

Хўжагелди АЛИМОВ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
доценти, психология фанлари номзоди

## САМОЪ МИСТИК ҲОЛЛАРНИ ЧАҚИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК УСУЛИ СИФАТИДА

## САМОЪ КАК ПСИХОЛОГИЧЕСКИЙ СПОСОБ ОБРЕСТИ МИСТИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ

## SELF AS A PSYCHOLOGICAL WAY TO GAIN MYSTICAL STATES

**Аннотация.** Мазкур мақолада тасаввуф таълимотидаги мистик ҳолларни чақиришнинг психологик усули ҳисобланган самоъ тўғрисидаги маълумотлар ва қарашлар ўз ифодасини топган. Маълумки, самоъ тасаввуфда ритуаллар билан бирга кечадиган мусиқа тинглаш ва жамоавий ҳаракатлар кўринишида рақсга тушиш жараёни сифатида тушунтирилади. Самоъни “руҳнинг озукаси” дейишади. Самоъ пайтида солиқ дунёдан узоклашади ва унда “Мен” туйғуси йўқолади. Унинг ёрдамида қалб уйғонади ва Аллоҳга йўналтирилади.

**Таянч сўзлар:** самоъ, мистик ҳол, психологик усул, ритуаллар, жамоавий ҳаракатлар, мусиқа, рақс, “Мен” туйғуси, фано, тушуниш (фаҳм), важд, қалб.

**Аннотация.** В статье представлены информации и взгляды о самоъ как психологическом способе обрести мистическое состояние в теории суфизма. Как известно, самоъ объясняется как процесс слушание музыки и коллективного танца. Самоъ считают как “пищу души”. Во время самоъ праведный отходит из мира и у него исчезнет чувство “Я”. С помощью самоъ просыпается қалб (душа) и он направляется к Аллаху.

**Ключевые слова:** самоъ, мистическое состояние, психологический способ, ритуалы, коллективные движения, музыка, танец, чувство “Я”, фано, понимание (фаҳм), важд, қалб.

**Annotation.** The article presents information and views on themselves as a psychological way to gain mystical states in the theory of Sufism. As you know, it is explained by the process to listen to music and dance in the form of collective movements. Selfly consider as «soul food.» During Sam Solik, he moves out of the world and his feeling «I» will disappear. With the help of self wakes up Kalb (heart) and it is heading on Allah.

**Keywords:** Samo, mystical condition, psychological method, rituals, collective movements, music, dance, feeling «I», fano, understanding (fahm), vajd, kalb.

## КИРИШ

Самоъ сўзининг луғавий маъноси — эшитиш деганидир. Тасаввуф терминалогиясида (истилоҳда) қалб билан тинглаш деган маънони англатади. Қалб билан мусиқани, поэзияни, ритмик оҳанглари тинглаш мумкин. Самоъ сўзи Қуръони каримда учрамайди, бироқ исломгача бўлган даврда арабларда бу сўз қўшиқ ёки мусиқа ижро этиш маъносига қўлланилар эди. Самоъ сўзи тилшуносликда, диншуносликда қўлланилади. Бироқ тасаввуфда унга алоҳида маъно юклатилади. Тасаввуфда самоъ одатда маълум ритуаллар билан бирга кечадиган тасаввуфона жамоавий ҳаракатлар пайтида мусиқа тинглаш ва жамоавий ҳаракатлар кўринишида рақс тушиш жараёни сифатида кўрсатилади. Кўплаб тасаввуф аҳли самоъни “руҳнинг озукаси” деб ҳисоблашади. Самоъ пайтида солиқ дунёдан узилган ва Аллоҳга бўлган муҳаббатига чуқур шўнғиб кетган ҳолатда бўладики, бунда унинг онгида “Мен” туйғусининг изи ҳам қолмайди. Шу нуқтаи назардан самоъ Аллоҳга ибодат ҳисобланади. Унинг натижасида қалб уйғотилади ва Аллоҳга йўналтирилади. “Тинглаш” жараёнида кучли эмоционал кечинмалар чақирилади (таважжуд), илоҳий ҳоллар бошдан кечирилади ва ниҳоят илоҳиёт билан алоқа ўрнатилади (важд). Буларнинг ўзи эса кашф (“пардаларнинг кўтарилиши”) ва борликнинг ҳақиқатини англаш билан биргаликда кечади.

Юқоридаги психологик ҳолатларнинг ташқи белгилари қуйидагича бўлади: ғайриоддий жисмоний қўзғалиш, илоҳий завқ ва ихтиёрсиз тана ҳаракатлари ёки рақслар ва ҳ.к.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Д. Нурбахш ўзининг “Таверна среди руин” китобида шундай деб ёзади: “Фаришталар олами (малакут) — ҳақиқий гўзаллик макони, гўзаллик бор жойда гармония (мутаносиблик) бор. Самоъ мазкур олам билан бизнинг алоқамизга имкон яратиб беради”[6;35]. Шерозлик шайх Рўзбихон шундай деб ёзади: “Самоъ — бу илоҳий тинглаш ва Аллоҳдан оқиб келади, Унинг учун, Унда ва Унинг билан оқиб келади. Агар буларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида бажарилмаса,

унда бу Аллоҳга хиёнат бўлади”[6;35]. Бошқа ўринда самоъга қуйидагича таъриф беришади: “Самоъ – “ашула”, “қуй”. Тасаввуфда зикр ёки ғазални қуйга солиб ижро этиш. Бунда чолғу асбоблари, чапак чалишлар ҳам жўр бўлиши мумкин”[4;127]. Самоъ масаласида шариат ва тариқат аҳли қарашлари ҳар хил, шариат аҳли бундай тасаввуфий ритуалларга қарши. Тасаввуф аҳлининг аксарияти бу масалага ижобий ёндашади. Баҳовуддин Нақшбанд шогирдлари самоъдан фойдаланишмаганлар. Шайх Нақшбанддан фикрини сўрашганларида: “Биз бу ишни қилмаймиз, инкор ҳам этмаймиз” деб жавоб берган.

“Самоъ” сўзи тасаввуф истилоҳи сифатида IX-асрларга келиб кириб келади. У Жунайд Боғдодий раҳбарлигидаги Боғдод сўфийларининг амалиётида илк бор қўлланилганлиги қайд қилинади. Уларнинг самоъни исломгача бўлган даврдаги ҳолати билан боғлаганлиги тўғрисида маълумотлар учрайди. Жамоат ичида Куръони карим ўқилиши унинг тингловчилари орасида кучли эмоционал кўзғалиш чақирар эди. Балки тасаввуфга шу ҳолатдан самоъ кириб келгандир. Бундан ташқари, Эроннинг кўплаб шаҳарларида дунёвий мусиқа концентлари ва муҳаббат мавзусида шеърият кечалари ўтказилар эди. Булар ҳам, фикримизча, тасаввуфдаги самоъга, унинг шаклланишига таъсир кўрсатган бўлиши эҳтимол. Шу нуқтаи назардан бу ҳодисани Эронда пайдо бўлган, деб айтишимиз мумкин. Кейинчалик Абу-л Хусайн ан-Нурий ва Жунайд Боғдодий мактабларида таълим олган сўфийлар самоъни фаол ҳолда ташвиқ қилишдилар.

Фаридиддин Аттор ўзининг “Тазкират-ул авлиё” китобида самоъ ҳақида шундай деб ёзади: “ - Одам самоъ эшитгач, беихтиёр ҳаракатга келгай. Бу ҳол недан?

– Ҳақ субҳанаҳу таоло “Аласту” дамида Одам болаларига хитоб айлади. Жонлар у вақт хитобдан лаззат топиб турди. Бу оламда ҳам самоъ эшитганда ўшал завқ ҳосил бўлгай-да, шубҳасиз, беихтиёр ҳаракат этгайлар”[3;96]. Абулқосим Боғдодий самоънинг икки хил турини фарқлайди: сўз тингламоқ ва қуй тингламоқ. “Самоънинг биринчи хилида бироз сўз тингланиб, ундан ибрат ва сабоқ олинади. Лекин бундай самоъ фақат поклик ва қалб ҳузури билан эшитилмоғи лозим. Иккинчи хил самоъга келсак, тасаввуф тарихининг

илк босқичларидаёқ мусиқа руҳининг ғизоси ва ризки сифатида эътироф этилган. Рух озиғига эришдими, у юксак мақомларга парвоз қилган”[3;240].

Абу Али ал-Даққоқ самоъ ҳақида шундай деб ёзади: “Самоъ авом учун ҳаром. Чунки уларнинг нафслари ўлмаган, тирикдир. Зоҳидлар учун мубоҳ (руҳсат этилган). Негаки улар нафсга қарши курашурлар. Ҳақ ошиқлари учун мустаҳаб. Чунки уларнинг қалблари тирикдир”[2;137].

Шайх ал-Колободий ўзининг “Тасаввуф сарчашмаси” китобида Абу Қосим ал-Боғдодийнинг самоънинг икки хил тури ҳақидаги фикрини келтиради: “Самоъ икки хил бўлади, бир тоифа каломни эшитиб, ундан бошқа нарсани чиқариб олган, бу хили фақат ажратиш билангина ва қалб ҳузури билан эшитилади. Иккинчи тоифа нағма эшитади. Нағма бу руҳнинг озуқасидир. Қачон руҳ ўз қуввати билан зафар қозонса, ўз мақомига кўтарилиб, жисмнинг бошқарувидан юз ўгиради. Бу вақтда эшитувчида изтироб ва ҳаракат пайдо бўлади”[3;137].

Самоъ ҳақида Султон Валад (Жалолиддин Румийнинг ўғли) ўзининг “Маориф” китобида шундай деб ёзади: “...агар дарвеш сидқу вафоли бўлса, жаҳду жадал билан йиллар намозу рўза, зикру хилватнишинлик шартларини адо этиб, Худо талабида юрган бўлса, ботиний мезон орқали Уни тарк этган ва ўзининг ҳам каму кўсти (нуқсон)ни англаган бўлса, у самоъ (мажлисида иштирок этиб), доира ва най, танбур ва рубоб (овозини) эшитганда Худовандга яна ҳам яқинлашади, ҳолати ўзгариб, илоҳий шавқ илҳомида ёнади. Ишқ ва фақр муфтилари бунинг раво кўрадилар. Негаки дарвешнинг бундан мақсади қурб (яқинлашиш) ва Илоҳ жамолидан лаззатланишдир”[5;95-96]. Биз Султон Валаднинг самоъ ҳақидаги фикрини батафсил келтирдик. Чунки унда самоъга кириш учун солиқ ундан олдин қандай шартларни бажариши мумкинлиги батафсил ёзилган.

Абу Ҳомид Ғаззолий ўзининг “Кимёи саодат” китобида самоъ ҳақида батафсил тўхталади. Унинг образли қилиб айтганидек, Аллоҳ тош ичига оловни яшириб қўйганидек (иккита қайроқ тошни бир бирига урса, учкун сачрайди), ҳуш овознинг ичига ҳам инсон дилининг асрорини ҳаракатга келтирувчи куч яширингандир. Ғаззолий самоънинг яхши –

ёмонлигини фарқлашда солиқ кўнглидан келиб чиқиш зарурлигини таъкидлайди: “Кимнинг кўнглида Худои таолонинг дўстлиги ва муҳаббати ўта ғолиброқ бўлса, самоъ ул кишига муҳимроқдур, муҳаббат ўтини тез қилур. Ва кишики анинг кўнглида Ҳақ таоло дўстлиги ботилдир, самоъ анга заҳри қотилдир”[1;263].

Абу Ҳомид Ғаззолий самоъчи кишиларни классификация қилади ва уларни уч тоифага бўлади: Биринчи тоифа “ўйин ва ғафлат тариқи бирла эшитур, бу аҳли ғафлатнинг ишидур. Дунё ва лаҳв (ўйин-кулги) ва бозий бирладур, мунчалиғ самоъни ҳаром деб бўлмас”[1;351]. Иккинчи тоифа агар “кўнглида хиёнат бўлса, самоъ ҳаромдур”[1;353]. Учинчи тоифа “улки, кишининг кўнглида яхши сифат бўлса, самоъ ул сифатни кучли ва зиёда қилурки, бу тўрт навдур”[1;353]. Биринчи тури бу ҳожиларнинг Каъбани таърифлаб айтадиган қўшиқ ва шеърлари ҳаром ҳисобланади. Чунки улар солиқда байтуллоҳга нисбатан муҳаббат уйғотади. Иккинчи тури – қўшиқ айтиб йиғловчилар. Агар йиғи гуноҳларидан пушаймонлик қилиб бўлса, ҳалол. Агар дунё муҳаббати сабаб йиғланса, қўшиқ айтилса, ҳаромдир. Учинчи тури “кўнглида шодлик бўлса, самоъ, ашула эшитув йўли билан кўнглидаги шодликни зиёда қилса ва шариатда ҳам шодлик қилмоғи жоиз бўлса, бу нав самоъ муҳоҳдур”[1;354]. Тўртинчи тури “Ҳақ таолонинг дўстлиги кимнинг кўнглида ғолиб бўлса, самоъ анга муҳимдурки, самоъ ва сурурнинг асари (таъсири) ҳайратдан зиёдадур. ...Сўфийлар шу маънода самоъ қилибдурлар”[1;351].

Самоънинг учта мақоми кузатилади: тушуниш (фаҳм), важд ва ҳаракат. Уларнинг ҳар бири маълум бир психологик ҳолатларни ўзида акс эттиради. Биз қуйида тушунишга тўхталиб ўтамиз.

Одамларни самоъни тушунишига қараб, учта категорияга ажратиш мумкин:

а) Оддий тингловчи одамлар. Бунда киши зикрсиз ва эътиборсиз самоъни амалга оширади. Биз бу категорияни таҳлил қилиб ўтирмаймиз.

б) Ақллари ихлос билан банд бўлган ва қалблари Аллоҳга муҳаббат билан тўлиб-тошган солиқлар. Бу мақомдаги солиқлар ўзларида руҳий кенгайиш ва торайиш, осонлик ва қийинчилик, Аллоҳ томонидан қабул қилиниш ва инкор қилинишсингари туйғуларни туюшади. Солиқ, масалан, аввалига йўлдан тез, шахдам

одимлар биланкета бошлайди. Бироқ шундай бир пайт келадики, у ўзида суस्ताлишни сезади. Бу солиқ ўзини Аллоҳнинг марҳаматидан қолаётгандек ҳис қилиши мумкин. Аллоҳнинг марҳаматидан шубҳаланмаслик керак. Аксинча солиқ ўз диққат ва эътиборини шу йўналишга қаратиши, Аллоҳ томонидан кўрсатилаётган марҳаматнинг камайиши – аслида иллюзия. Солиқнинг ўзи ўзгарган ва у ўзи устида кўпроқ ишлаши даркор.

в) “Мен”нинг фоний бўлиш даражасига етишган солиқлар. Бу – фано босқичи. Бундай солиқларда самоъ ҳақиқатни тушуниш воситасида амалга оширилади. Самоъ ҳолатида солиқда номавжудлик ва илоҳий яхлитлик ҳоли пайдо бўлади ва унинг борлигини эгаллайди.

### ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, самоъ солиқда мистик ҳолларнинг пайдо бўлиши учун муҳим психологик усул сифатида таърифланади. Тасаввуфда бундай психологик усуллар бир қанча бўлиб, уларга зикр, хилват, чилла сақлаш ва ҳ.к. Бундай психологик усулларнинг таъсири тизимли ҳолда содир бўлгандагина кўзда тутилган натижага эришиш мумкин.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимийи саодат. – Т.: “Адолат”, 2005. – 350-бет.
2. Ал – Колободий Шайх. Тасаввуф сарчашмаси / Арабчадан О. Мовлонкул ўғли, М. Отақул қизи тарж.; Маъсул муҳаррир, сўз боши муаллифи: Н. Комилов. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашр. 2002. – 144 б.
3. Аттот Фаридиддин. Тазкират – ул авлиё. – Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 1997. – 175 б.
4. Бобохонов Ш. З. Мансур А. Нақшбандия тариқатига оид қўлғамалар фикри.- Т.: “Мовароуннаҳр”, 1993. - 136-бет. – 127 б.
5. Валад Султон. Маориф. – “Комил инсон ҳақида тўрт рисола” китобида. – Т.: “Маънавият”, 1997. 81-108 бб.
6. Нурбахш Дж. Таверна среди Руин: Семь эссе о суфизме / Пер. с англ. Л. М. Тираспольского. – М.: Изд-во “НБР” 1992.-136.
7. Тримингем Дж.С. Суфийские ордены в исламе. Пер. с англ., А.А. Ставиной, под редакцией и с предисл. О.Ф. Акимовской. – М.: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1989. – С. 328.
8. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2004. – 263-б.